

**Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги  
29-сон буйруғига 2-илова**

**Коррупцияга қарши қураш тизимининг ҳолати түғрисидаги  
хисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда – Ташкилот)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолияти ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши түғрисидаги хисоботларни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолияти ва ривожланиши масалалари бўйича хисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмалари) масъул ҳисобланади.

Ташкилотнинг ҳудудий ва таркибий муассасалари хисоботни тақдим қилиш учун масъулият ҳудудий ва таркибий муассасалардаги коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) зиммасида бўлади.

**2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги**

3. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши түғрисидаги, шу жумладан, Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш Дастури ёки йўл харитасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ҳар чорақда Ички назорат тузилма томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

4. Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги ҳисобот ҳар чорақда Ички назорат тузилмалари томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади.

5. Ҳисобот мунтазам равишида ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар тузилади.

6. Йилнинг якунида йиллик ҳисобот тайёрланади.

7. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Ташкилот раҳбарига (Ташкилот ҳайъатига) топширилади.

Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Ташкилотнинг умумий ҳисботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

8. Ташкилотнинг йиллик ҳисботидаги умумий ахборот интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси томонидан тайёрланади.

### **З-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолияти тўғрисида ҳисботни шакллантириш тартиби**

9. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисбот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Ташкилотнинг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитасида белгиланган тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

10. Ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат тузилмалари томонидан ҳисбот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Ташкилот раҳбарига (Ташкилот ҳайъатига) кўриб чиқиш учун топширилади.

11. Ҳисботни шакллантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисбот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси Масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисбот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Ташкилотнинг марказий аппарати бўлинмаларининг коррупцияга қарши тадбирлари бўйича ҳисботи Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси томонидан тузилади ва Ташкилотнинг коррупцияга

қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак.

г) Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Ташкилот тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

12. Ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва Ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда Ички назорат тузилмалари тегишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш ҳукуқига эга.

13. Ички назорат тузилмаси қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботини ҳисбот давридан кейинги ойнинг 21 санаасигача Ташкилот раҳбарига тақдим этади.

#### **4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш тартиби**

16. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

17. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот Ички

назорат тузилмаси томонидан Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизими ning фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Коррупцияга қарши курашиш Агентлигига юборилади.

### **5-боб. Якуний қоидалар**

18. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички идоравий хужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Ташкилотнинг марказий аппаратдаги Ички назорат тузилмаси мъясул бўлади.

19. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати  
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш  
ва тақдим этиш тўғрисидаги  
низомига 1-илова

## **Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот**

<b>Ташкилот номи:</b>	
<b>Ҳисоботни тайёрлаган ҳодим</b> (Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар):	ФИШ, лавозими, тузилмаси
<b>Ҳисобот даври:</b>	
<b>Ҳисобот тайёрланган сана:</b>	

T/р	Тадбирлар гурхининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажариш муддати	Масъул ижро чилилар	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганини тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

T/р	Тадбир	Натижалар	
		II. Сиёсаллар ва процедуралар	
1.	Ички хужжатларни мослаштириш	Ташкилотда ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга карши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.	
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга карши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга карши масалаларни тартибга соловчи ички хужжатларни ишлаб чиқиш.	Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга карши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга соловчи ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.	
II. Шахсий намуна			
3.	Ташкилот раҳбари ва унинг ўринbosарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутки).	3-бандларда ташкилот тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарларининг қонунчиллик талабларига риоя қилиш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга карши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишининг мухимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очик эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.	
4.	Коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Ташкилот раҳбари ва унинг ўринbosарларининг номидан).		
5.	Ташкилот раҳбари ва унинг ўринbosарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.		
III. Хавф-хатарларни баҳолаш			

6.	Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	Ҳа ўтказилган(ўйук ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (кайси босқичдалиги кўрсатилади)
7.	Хисобот даври учун Ташкилотда иш жараёнда янги аникланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юкори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аникланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даражা, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади.
8.	Хисобот даврида аникланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Колдик коррупциявий хавф-хатар юкори бўлган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Колдик коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10.	Колдик коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Колдик коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
<b>IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар</b>		
11.	Ташкилотда аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Ташкилотда аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова килиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларацияни килиш.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартибтаомилларидан ўтган ходимларнинг ташкилотдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг ташкилотдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Ташкилотга ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва ташкилотдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14.	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш.
<b>V. Тальим ва коммуникация</b>		
16.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун;  коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойлилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш.
17.	Ташкилотга яқинда ишга қабул қилинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш.
18.	Ходимларнинг коррупцияга қарши конунчиллик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли гурухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг якунларини кўрсатиш.
19.	Коррупцияга қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёллари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари.	Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллар.
20.	Ходимларнининг ахлок-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши конунчилликнинг талаблари хакида хабардор қилишининг бошқа усуслари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига кўйиладиган суратлар ва бошқалар.

21.	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови).
	<b>VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари</b>	

22.	Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қуидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисоботни илова қилиш.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган;  Коррупцияга қарши конунчиллик бузилганилиги тўғрисида таасикланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-хукуқий хужжатлар ва мақолалар кесимида) аникланган;  Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аникланган (шу жумладан, ички хужжатлар кесимида);  Айборлар аникланган ҳолатлар сони.	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24.	Қабул килинган таъсир чоралари.	Қандай чоралар, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аникланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар тақлиф килинди.

#### **VII. Мониторинг ва назорат**

25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганилиги	Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсуллар томонидан ўтказилган текшируv тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қуидаги кесимда кўrсатиш  Текшируv объектлари (бошкарма, бўlim);  Текшируv мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар);  Текшируv тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва b.);  Текшируv тадбирлари характеристи (режали, режадан ташkari).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аникланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари?	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай қоидабузарликлар аникланган? Аникланган ҳолатлар сонини кўrсатиш. Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйрук ёки бошка ички хужжатлар)?

**Хулоса:** Ташкилотда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўrсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар кўrсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўrсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисббот даврида ҳисбдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўrсатиш зарур.

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати  
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш  
ва тақдим этиш тўғрисидаги  
низомига 2-илова

**Санитария-эпидемиология хизматида коррупцияга қарши курашиш тизимининг  
фаолият кўрсатиши тўғрисида 202...йил \_\_\_\_ учун  
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури  
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот<sup>1</sup>.**

Ташкилот томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

**II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи ва ҳисобот даврида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички хужжатлар (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш<sup>2</sup>**

Ташкилот томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида кўрсатиш керак;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган худудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, ташкилотнинг худудий ва таркибий муассасалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

<sup>1</sup> Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қўйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият тугилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солишиштирма таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

<sup>2</sup> Бўйим факат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўйимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётiga мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттиради.

коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Ташкилот учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавфхатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши қурашиш тартиб-таомиллар**

##### **а) Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида<sup>3</sup> (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида кўрсатилади;

Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Ташкилот бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий ва таркибий муассасалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);<sup>4</sup>

худудий ва таркибий муассасалар кесимида Ташкилот тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, харид процедураларидағи, иш бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

##### **б) Коррупцияга қарши қурашиш қоидаларни Ташкилот шартномаларига киритиш.**

Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилотнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида ташкилот тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

##### **в) Контрагентларни текшириш**

Хисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хulosаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида кўрсатилади.

<sup>3</sup> Манфаатлар тўқнашувини декларация килиш хисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

<sup>4</sup> Ахборот факат йиллик хисоботда тўлдирилади.

### **г) Ишга номзодларни қабул қилишда текшириш.**

Марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида ташкилот тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

## **V. Таълим ва коммуникация**

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида:

ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида Ташкилот тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши қўнималарга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини худудий ҳамда таркибий муассасалар кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

бўлимда шунингдек, ташкилот тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

## **VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва хукуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар**

Хисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида кўрсатилади;

манраб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

## **VII. Мониторинг ва назорат<sup>4</sup>**

Марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида ҳисббот даврида ташкилот тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган ташкилотлар сони, шунингдек,

<sup>4</sup> Ташкилотда ҳисббот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

худудий ва таркибий муассасалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида қўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганligининг асосий сабаблари қисчача қайд этилади;

ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Коидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

### **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

коидабузарликларнинг умумий сони;

коидабузарликларнинг коидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Ташкилот ички ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Ташкилотда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида;

Ташкилот тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисбот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

### **IX. Хулосалар**

Ташкилот тизимида ҳудудий ва таркибий муассасалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

### **X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Кейинги ҳисбот даврида ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида қўрсаткичларни марказий аппарат, худудий ва таркибий муассасалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати  
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш  
ва тақдим этиш бўйича  
низомига З-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган  
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги  
ҲИСОБОТ**

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар